

БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ҚАРОРИ

Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги “Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1326-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 17-сон, 131-модда) ҳамда 2016 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2751-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 8 январдаги 1-сон ва 2016-1-сонли “Бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 2-сон, 22-модда) қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоятдаги барча бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорлари 1-иловага, вилоятдаги бозорлар ва савдо комплекслари ҳудудидаги умумий фойдаланиладиган объектларни сақлаш бўйича кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ва қиймати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (А.Бозоров) ҳамда бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш вилоят бўлими (И.Тўраев)га вилоятдаги барча бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўловлари, кўрсатиладиган хизматлар тўловларининг тўғри ва тўлиқ ундирилиши ҳамда тегишли қисмини маҳаллий бюджетга ўз вақтида ўтказилиши устидан доимий назорат олиб бориш топширилсин.

3. Бозорлар ва савдо комплекслари раҳбарлари мазкур қарор билан тасдиқланган бозорлар ва савдо комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар ва ижара тўловлари миқдорлари тўғрисидаги, шунингдек кўрсатиладиган мажбурий хизматлар рўйхати ҳамда қийматлари тўғрисидаги маълумотларни бозорлар ва савдо комплексларининг кириладиган барча жойларига осиб қўйилишини таъминласинлар.

4. Вилоят ҳокимининг 2015 йил 20 февралдаги “Вилоятдаги бозорлар ва савдо комплексларида ундириб олинadиган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг миқдорларини белгилаш тўғрисида”ги 87-сонли қарори (4-бандидан ташқари) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталарида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг buxogo.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ҳ.Ғойиров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими

М.Эсанов